



Кун нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан, 10-11 июнь кунлари расмий ташир билан Тожикистонда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Камалов Эллиқалъа туманида бўлди.

Хукумат қарори билан «Гидрометеорология хизмати аълочили» кўкрак нишони таъсис этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 июндаги «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида кўра, 2021 йилнинг 1 июлидан бошлаб белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 20 фоизи миқдоридан қўшимча тўлов жорий этилди.

Пойтахтимизда Туркиянинг «Softur LTD. ŞTİ» корхонаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда «Озиқ-овқат технологиялари, қадоқлаш ва иссиқхона ускуналари» «AGRO PACK UZBEKISTAN – 2021» халқаро кўргазмаси очилди.

Пойтахтимизда «Илм-фаннинг замонавий муаммолари ва истиқболлари» (ICPPMS-2021) мавзусида 1 халқаро анжуман бўлиб ўтди.

«Turkish Airlines» томонидан илк маротаба Истанбулдан Урганчга парвоз амалга оширилди.

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг малакали мутахассислари самарқандлик шифокорлар билан биргаликда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ноёб жаррохлик амалиётини муваффақиятли ўтказишди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2021 йил
12 июнь
шанба
№ 76
(4516)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



Фаргона вилояти

Касаба уюшмаси кўмагида

УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР



– Шу пайтгача тайинли иш топа олмайд қийналиб юргандим, – дейди у. – Аксига олиб, яхши иш топсам, ма-софаси узоқлик қиларди. Қарангки, ўзим яшаб турган маҳаллада катта тикувчилик цехи ишга тушди. Қолаверса, «Аёллар дафтари»да турганим ҳам қўл келди. Ўзимга мос ишга жойлашганимдан мамнунман.

Коллежни тамомлаб, ишсиз юрган Фарангиз Аҳматова учун марказнинг ишга тушиши кутилмаган янгилик бўлди. Энди у ҳунар эгаллаб, шу ерда ишлаши мумкин.

– «Фаргона касаба ўқув-ишлаб чиқариш маркази»га тикувчилик ҳунарини



ўрганиш учун келдим, – дейди у. – Тажрибали тикувчилар матоларни танлаш, қайси мавсумда қандай матоларга этибор қаратиш, қайчилардан фойдаланиш, тикув дастгоҳларини бошқариш бўйича маҳорат дарсларини ўтишди. Насиб этса, моҳир тикувчи бўлиб, шу ерда ишламоқчиман.

– Марказнинг илк иш кунинда буюртмачилардан 7 минг дона футболка буюртма қабул қилдик, – дейди марказ иш юритувчиси Зиёда Носирова. – Бу ерда мавсумга қараб болалар, эр-кавлар ва аёллар кийимларини тайёрлаймиз. Шу билан бирга, ҳунар эгаллаш истагидаги хотин-қизларга кўмаклашамиз. Тикувчиликни ўзлаштиришга, уларни ишга олашимиз. Бунинг учун бу ерда барча шароит муҳайё.

Айтиши жоизки, «Жўйдан» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бўш бинога 400 миллион сўмга яқин маблағ жалб қилинди. Бино тўлиқ капитал таъмирдан чиқарилиб, аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш учун зарурий жиҳозлар билан таъминланди.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»



ишлайдиган тикувчилик цехининг ишга туширилиши бир мўъжизадек бўлди, – дейди «Жўйдан» МФЙ раиси Дилшод Юсупов.

...Муаззам Назирова замонавий тикувчилик корхонасида иш бошлаганидан бағоят хурсанд.



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фаргона вилояти кенгаши ташаббуси билан Фаргона шаҳри «Жўйдан» маҳалласида «Фаргона касаба ўқув-ишлаб чиқариш маркази» масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Натижада «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

– Очиғи, маҳалламизда 100 киши



Жиззах вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти



Ижобий натижалар

Ғаллаорол туманида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда тизим бўйича амалга оширилган ишлар ва галдаги долзарб вазифалар кенг муҳокама қилинди. – Утган даврда туманда ушбу дафтарга киритилган 881 нафар хотин-қиздан қарийб 90 фоизининг муаммолари ҳал этилишига кўмаклашилди, – деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти бўйича Ишчи гуруҳи раҳбари Шўҳрат Деҳқонов. – Хусусан, ишсиз бўлган 553 нафар хотин-қиздан 226 нафари ишга жойлаштирилди, 152 нафарининг ўзини-ўзи бандлиги таъминланишига эришилди. 29 нафар хотин-қиз касб-ҳунарга ўқитилди. 169 нафар хотин-қизнинг 64,2 фоизига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун кредитлар ажратилди. 98 нафар аёлнинг 86 фоизига эса томорқадан самарали фойдаланишига кўмаклашилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, боқувчисини йўқотган 100 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга моддий ёрдам кўрсатилган. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 35 нафар хотин-қиз моддий қўллаб-қувватланган. Уй-жойини таъмир-

лашга муҳтож 34 нафар аёлга 156 миллион 532 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилган.

Туман ҳокимлиги аёлларга деҳқончилик билан шуғулланишлари ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш ва сотишда ҳар томонлама кўмак бериб келаётган. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдони ва улардан самарали фойдаланиш учун субсидиялар ажратиш мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилди. «Халқ банки» 98 нафар ишсиз хотин-қизга зарур асбоб-ускуна харид қилиш учун кредит ажратди.

Шу кунга қадар «Аёллар дафтари»га киритилган 611 нафар хотин-қиз рўйхатдан чиқарилди.

Йиғилишда «Аёллар дафтари» тизими бўйича олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида мутасаддилар масъулиятини янада ошириш бўйича галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Туризм

Кўнгилларни мунаввар айлаб...

Фаргона вилоятида «Аёллар дафтари»га киритилган 100 нафарга яқин хотин-қиз икки кун мобайнида Самарқанд вилоятининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

Марғилонлик 83 ёшли Дурдона ая Мадалиева умрининг қарийб қирқ йилини атлас ишлаб чиқаришга бағишлаган. Ишчи гуруҳ уни ҳам «Аёллар дафтари»га қайд этган эди. Онахонга «бир Самарқандни айланиб келинг», деган таклиф жуда маъқул тушди. – Бу ёшда уйдан чиқишнинг ўзи бир мушкул, – дейди онахон. – «Юрган дарё, ўтирган бўйра», деганларидек кўрганларимиз тасаввур қилганимиздан ҳам зиёда бўлди. Шу ёшда биз кексаларни ардоқлаб, саёҳатга олиб чиққан ташкилотчиларга раҳмат!

Саксон икки ёшли Мамлакат Умарова ҳам иккиланиб йўлга отланганини айтди.

– «Афросиёб»да қандай келганимизни билмай қолдик, – дейди у. – Саратон жазирамасини сезмадик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Рости, умримда меҳмонхонада тунамаган эдим. «Регистон» меҳмонхонасидаги шароитни кўриб, ҳайратда қолдим. Қўлимиз дуода. Мендек бир муштира аёлга эътибор қилган Президентимизнинг умрлари узоқ бўлсин!

– Беш нафар қизим бор. Оилавий шароит тақозоси туфайли «Аёллар дафтари»га тушиб қолдик, – дейди сўхлик Ижобат Мўминбекова. – Давлатимизга минг раҳмат. Ҳеч ким эътибордан четда қолмаётган.

Саёҳатчилар «Касаба сайр» сайёҳлик ташкилоти режаси асосида худуддаги барча масканлар билан танишиш имконига эга бўлишди. Улар муборак зиёратлар руҳий тетиклик бағишлаганини изҳор этишди.



Келгуси сонларда ўқинг...

Ҳисобчининг найранги...

АҚШда беш марта «Йил шифокори» бўлган юртдошимиз

«ISHONCH» танқидидан сўнг...



Бухоро вилояти

Танлов

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгашида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Ибратли фаолият

Унда ҳар иккала йўналишда, яъни аъзолари сони 100 тадан кўп ва 100 тадан кам бўлган 91 та ташкилот ўз тақдирларини намойиш этди. Натижаларга кўра, 3-дават мактабгача таълим ташкилоти ҳамда 46-умумий ўрта таълим бошланғич ташкилоти ғолибликни қўлга киритиб, вилоят босқичига йўланма олди. Барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Юнус ҲОМИДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши раиси



Тошкент вилояти

Оҳангарон туманида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Муносиблар аниқланди

35 нафар бошланғич кўмита раиси иштирок этган танловда биринчи ўрин БАБМ ташкилоти, иккинчи ўрин 38-мактаб, учинчи ўрин эса 12-мактаб касаба уюшма кўмитаси раисига насиб этди. Ғолибларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Бекзод НОРОВ,
Оҳангарон шаҳар халқ таълими бўлими мутахассиси

Акс садо

ХАЛҚНИ ДЕБ ЯШАШ – ЭНГ БУЮК БАХТ! «Миллатпарвар» мақоласини ўқиб...

Мен оддий инсонлар билан тез-тез учрашиб, уларнинг дардига қулоқ тутушдан ва мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишдан чарчамайдиган Шавкат Мирзиёевни ўз халқидан куч-қувват олувчи давлат раҳбари деб билман. Олий Мажлис Сенати аъзоси, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг яқинда «Ishonch» газетасида чоп этилган «Миллатпарвар» сарлавҳали мақоласини ўқигач, бу хулосам янада қатъийлашди.



Мақолани ўқир эканман, ўзим бевосита гувоҳ бўлган айрим воқеалар ёдимга тушди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иқтисодиёт илмий текшириш институтида ишлаётган кезларим эди. 1990 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди. Унда мен Мирзо Улуғбек туманидаги «Академиклар шахарчаси» сайлов участкаси фаоли сифатида қатнашиб, жаҳон андозаларига мос илк муқобил сайлов жараёнининг гувоҳи бўлдим.

Обидовнинг вафот этган қизи хотирасига Мустақиллик майдонидаги собиқ 1-кафеда эҳсон дастурхони ёзилди. Мен ўшанда Шавкат Миромонович билан илк бор юзма-юз келдим.

Иккинчи учрашувимиз анча кейин таниқли давлат арбоби, собиқ Бош вазир Ўткир Султонов таваллудининг 70 йиллиги шарафига «Нур» тўйхонасида ташкиллаштирилган тантана чоғида бўлди. Бу пайтда Шавкат Миромонович Бош вазир эди. Кейинчалик Ўткир Султоновнинг вафоти муносабати билан ўтказилган маърақада давлат раҳбари сифатида қатнашиб, устоз хотирасига катта ҳурмат кўрсатди. Шунингдек, 2016 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповни хотирлаш маросимига ҳам ташриф буюрди. Ана шундай тадбирлар жараёнида мен Шавкат Мирзиёев ўзига хос инсоний фазилатлар соҳиби эканлигини, устозларни беҳад ҳурмат қилишини, марҳумлар хотирасини эъзозлашини тегиз равиш билан англаб етганман. Айниқса, кексаларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг умрини узайтириш борасида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишига қатъий ишонч ҳосил қилганман.

Дарвоқе, шу ўринда юртимизда Президентимиз бошчилигида пенсионер-

ларнинг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролини оширишга оид кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдим.

Мен 2018 йил 1 майда 60 ёшга тўлдим ва 43 йиллик меҳнат стажим билан Марказий банк тизимидан пенсияга чиқадиган бўлдим. Пенсия жамғармасидаги инспектор қиз ҳужжатларимни кўздан кечириб, «Сизга пенсия тайинлангани осон бўлади. Чунки ҳозир ҳам мавжуд давлат муассасаларида ишлаган экансиз. Сизни 1-даражали меҳнат фахрийлари сафига қўшилаётганингиз билан табриклайман», деди.

Ўша йили жорий этилган куйидаги ўзгаришлар ҳам пенсияни тўлиқ миқдорда олиб ишлаётганлар учун аниқ муудо бўлди. Аввало, муқаддам жисмоний шахслар даромадларидан олинмаган солиқ муратқаб дифференциацияланган ҳолда ҳисоб-китоб қилинган бўлса, кейинчалик бу муаммо дунё стандартлари асосида ижобий ҳал этилиб, иш ҳақининг тўлиқ қиймати қанчалигидан қатъий назар, ундан бир хил, яъни 12 фоиз миқдорда даромад солиғи олинмаган бўлди. Натижада иш ҳақини ҳисоблаш содда-



Фозилхон ТОИРОВ,
«Hi-Tech Bank» ХАТБ
касаба уюшма кўмитаси
раиси

лаштирилди ва шаффофлиги ошди. Шунингдек, пенсияни ҳисоблаб чиқаришда ишлатиладиган лимит кўрсаткичи 8 баравар миқдордан 10 баравар миқдорга кўтарилди. Мазкур ҳисоб-китоблар республикамизда барча пенсионерларга нисбатан татбиқ этилиб, ижтимоий адолат тамойили тўлиқ таъминланди.

Мен юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, пенсионерлар куйидагиларни кундалик ҳаёт тарзларига айлантиришлари зарур деб ҳисоблайман:

биринчидан, ўз соғлиқлари ёмонлашувига асло йўл қўймасликлари, бунинг учун доимо ҳаракатда бўлишлари лозим. Бинобарин, халқимизнинг «Ҳаракатда – баракат», «Соғ танда – соғлом ақл» деган нақлларини унутмасликлари, «Қариллик – хасталик» деган гапни эса ҳаёлларига ҳам келтирмасликлари керак;

иккинчидан, «Бешиқдан то қабргача илм изла» деган ҳикматга ҳаммиша қатъий риоя қилиб, касб малакалари ва билим савияларини узлуксиз ошириб боришлари даркор;

учинчидан, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да келажагимиз ворисларига ҳар томонлама ўрнак бўлиб, Ўзбекистонда янги уйғониш – Учинчи Ренессанс даври пойдеворини бунёд этишда ва мустаҳкамлашда фаоллик кўрсатишлари жоиз.

ДАВРИ

кунларга бир назар

кўз-кўз қилсақ, аргизулик масжиду мақбаралар жуда кўп.

Андижонлик курсдошим Дилшод Мўминово менга бундан-да даҳшатлироқ воқеани сўзлаб берганди:

—Хўжаобод туманида жойлашган Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги мактабга бири сафар Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарларидан бири ташриф буюради. Мактаб директори Ғуломжон Тожибоев кўлида нон ва туз билан унга пешовоз чиқиб, «Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги ўрта мактабга хуш келиб-сиз!» дейди. Раҳбар шу заҳотиёқ уни тўхта-ти, «Бобур хоин бўлган, хоин бўлмаганида Андижонни ташлаб кетмасди. Республика Фанлар академиясига топшириқ бердим, ҳозир шу масалани ўрганишмоқда», дейди. Қарабсизки, мактабнинг барча ўқи-

тувчию ўқувчилари саф тортган тантанали маросим ҳали бошланмай туриб, мотамга айланади...

Юқорида ўқиганларингиз мустабид тузум ҳукмронлиги даврида рўй берган муҳидиш воқеа-ҳодисалардан айримлари холос...

Хайриятки, замон ўзгарди, дунё-қарашлар ўзгарди. Шавкат Мирзиёев Президент бўлгач, халқаро миқёсда эътироф этилган кўллаб-ислохотлар амалга оширилди. Аввало, пахта яккаҳоқимлиги тугатилиб, аёлларни оғир ва хатари меҳнатга жалб этишга чек қўйилди, болалар оғир ва мажбурий меҳнатдан озод қилинди.

Ўқиб-сиёсат туйғули асрлар оша кўни-кўшни ва қуда-анда бўлиб, аҳил-иноқ яшаб келган қардошлар юзкўрмас бў-

либ кетишларига оз қолганди. Бу сиёсат жабрини ўзим ҳам татиб кўрганман. Чунки мен Қирғизистоннинг Уш вилояти, Аравон туманида туғилиб ўсганман. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини битиргач, шу шаҳарда яшаб қолдим. Хуллас, қирқ икки йилдирки, Тошкентда истиқомат қиламан.

2010 йилгача онам раҳматли узоқ давом этган оғир хасталикни бошидан кечирди. Афсус, минг афсус, Қирғизистонга ўтишга рухсат йўқлиги туйғули онамни кўргани боролмадим. Вафот этганида эса жанозасига аранг улгурдим. Чегарачиларга ялиниб-ёлвориб, Аравонга ўтдим. Волидамни сўнги йўлга кузатиб, ўша кун-ниёқ яна Тошкентга қайтдим.

Кейин-чи? Шавкат Мирзиёевнинг инсонпарварлик сиёсати шарофати ўлароқ, кўшни давлатлар билан чегаралар очилганида, мен ҳам роса қувондим. Охири пайтларда эса киндик қоним томган юртга бемалол бориб, ота-онам қабрларини зиёрат қилгач, қариндош-уруғларим билан дийдорлашиб келяпман.

Сиёсатшунос олим Қудратилла Рафиқовнинг хотирлашича, Шавкат Мирзиёев Жizzзах вилоятига ҳоқим бўлган даврда ўтмишимиз, халқимиз тарихи ва миллатимиз шаънини таққирловчи руҳда ёзилган мақолани ўқиб, жуда қаттиқ ранжиган экан. «Бизнинг қандай миллат эканимиз, боболаримиз нималарга қодир бўлганига тарих гувоҳ. Ўзбек халқини таққирлашга, номини қора қилишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган», деган экан. Булар қалби гурурга тўла, миллат шаъни учун қалқон бўлишга қодир мард инсоннинг юрак-юрагидан отилиб чиққан чин сўзлардир.

Муҳими, бугунги кунда буюқ инсонпарвар ва миллатпарвар, том маънодаги миллат лидерининг эзу ислохотлари Янги Ўзбекистон тарихи саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда.

Журналнинг янги сони
Бу ғоя «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишланган 2-сон бош мавзусига айланган.

«Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!»

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Қ.Абдурахмонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими А.Рашидбеков, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маруфова ва бошқаларнинг илмий мақолаларида юртимизда ўтган давр мобайнида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда эришилган тарихий натижалар, айниқса, Ўзбекистон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларининг кафолатли таъминла-ниши чуқур таҳлил этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори, академик А.Саидов, Россиянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Т.Москалькова, Бош прокуратура академияси профессори Ф.Рахимов, Ўзбекистоннинг Женевадаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий вакили У.Лапасов, Марказий сайлов комиссиясининг доимий аъзоси Г.Раҳимованинг чиқишларида фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самаралари ба-тафсил ёритилган.

Муаллифлар охириги пайтларда Президентимизнинг ушбу соҳадаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлана-рида юртимизда ўтган давр мобайнида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда эришилган тарихий натижалар, айниқса, Ўзбекистон ҳуқуқлари, эркинликлари ва асосий манфаатларининг кафолатли таъминла-ниши чуқур таҳлил этилган.

Журнал саҳифаларидан парламент фаолиятини та-комиллаштириш, суд ис-лохотлари, сўз ва матбуот эркинлиги, гендер тенг-лиги, ёшлар ҳуқуқларининг кафолатли таъминла-ниши ва бошқа мавзулардаги ил-мий мақолалар ҳам ўрин олган.

«Ishonch»да чоп этилгач...

Биз уйли бўлдик

2014 йили турмуш ўртоғим оғир хасталиқдан вафот этди. Мен тўрт бола билан кўна қолдим. Оранда вақт ўтиб, бу мусибатга бўйнамани сайин қай-ната ва қайнанамнинг ҳар хил гиди-биди гаплари кўпайди. Охир-оқибат келин бўлиб тушган уйимни ташлаб, ногирон ва касал фарзандларим билан бирга ижарада яшашга мажбур бўлдим.



Фурсати етиб, бизга «Олтин дала» маҳалласи ҳудудидан тўрт сотих ер ажратилди. Аммо уй қуришга кўлим калталиқ қилди. Шу боис, туман ва вилоят ҳоқимликларидан ёрдам сўрадим. «Ishonch» газетасининг 2020 йил 12 сентябрдаги сонида менинг мурожаатим асосида «Ижарада сарсон сағирлар» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Шундан сўнггина бизга нисбатан муносабат ижобий томонга ўзгарди. Шу йилнинг кўламинида саховатпеша ин-сонлар ҳомийлигида янги бош-панамиз қурила бошланди. Аниқроғи, Қарши шаҳридаги «Хонақоҳ» жоме масжиди имом хатиби Аҳмаджон домла Бойқобилов бошчилигида ҳамда Фарҳод Тўраев кўма-гида олти ҳафта ичида 5 хонали иморат қад ростлади. Албатта, қишлоқ аҳли ҳам қараб тур-мади, ҳаҳшарда баҳоли қудрат иштирок этди.

Пишиқ гиштдан барпо этилган янги уйнинг калити менга Рамазон ҳайити куни топширилди. Ўшанда қанча-лар қувонганимизни ҳалигача сўз билан ифодалай олмай-ман. Энг муҳими, «Ўз уйим – ўлан тўшагим» деганларидек, ҳозир шу ҳовли-жойда тинч-хотиржам яшаяпмиз.

Айтганча, «Хонақоҳ» жоме масжиди томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож киши-ларга кўрсатилаётган ғамхўр-ликлар тўғрисида кўплаб ми-соқлар келтириш мумкин. Масалан, масжидга тушган хайрия ва эҳсонлар ҳисоби-дан боқувчисини йўқотган ва ноқор 33 та оилага вақт-вақти билан озиқ-овқат маҳ-сулотлари ва кийим-кечаклар етказиб берилди. Ёки дейлик, байрам кезлари дили ўқсик болажонлар учун шаҳар бўй-лаб сайрлар уюштирилади.

Биз мана шундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган меҳр-муруватли ва саховат-пеша инсонларга чин қалбдан миннатдорлик билдирамиз.

Зебинисо НУРМАТОВА
Чироқчи тумани,
«Олтин дала» маҳалласи

